



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
бўёқ  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 ноябрь, № 219 (4372)

Сешанба

## ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ — ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 5 ноябрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганини таъкидлади. — Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига кўп бўлгани йўқ, лекин халқларимизнинг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади, — деди Ислоҳ Каримов. — Ўзбекистон халқи араб дунёсига алоҳида эҳтиром билан қарайди.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг Форс кўрфазини ва араб дунёсидagi яқин ва ишончли шериклари-

дан ҳисобланади. Шу кунларда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлди.

Бирлашган Араб Амирликларида ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинган катта мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур давлатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон маънавий юксалиш йўлида” китоби араб тилида нашр этилган. Бу воқеалар мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва маънавий яқинликнинг, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг ёрқин тасдиғидир. Жорий йилнинг октябр

ойида Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонга келган эди. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари ўртасида Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиши, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўрта-

сида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланди. БАА ички ишлар вазирининг ташрифи мамлакатларимизнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам ривожланиш йўлидан бораётганини кўрсатади. Жамоатчиликни, айниқса, ёш авлодни турли ёт гоё ва мафқуралардан ҳимоя қилишда, динни ниқоб қилиб олган ғараз ниятли кучларга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир. Оқсаройдаги учрашувда шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Бирлашган

Араб Амирликлари Ўзбекистон билан бошқа йўналишлар каби хавфсизлик борасидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг ҳуқуқчи муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Мехмон ташриф асносида парламентимиз фаолияти билан яқиндан танишгани, ХХР Ўзбекистон билан дўстлик ришталарини, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини қайд этди.

Вань Цзябао Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Мехмон Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан, айниқса, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)  
Абдувоҳид Тўраев  
олган суратлар.

## ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вань Цзябаонинг учрашуви бўлиб ўтди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик қўламини барча соҳаларда кенгайтириб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, хусусан, Президент Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил май ойидаги ХХРга давлат ташрифи асносида имзоланган Дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Учрашув якунида ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг Ўзбекистонга расмий ташрифи яқунлари бўйича икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги алоҳида меморандум, техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда Тошкентдаги Даволаш-хирургия маркази лойиҳасини амалга ошириш

тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Хитой Эксимбанки ўртасида ағлашув меморандуми, “Узсанотқурилиш” банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида кредит битими, Фарғона вилоятида экин майдонларининг мелiorатириш ҳолатини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириш, Фарғона, Марғилон ва уларга туташ аҳоли пунктларида сув таъминотини тўбдан яхшилаш, “Тўқимачи-Ангрен” темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича шартномалар, Хитойга 150 минг тонна пахта таласи этказиб бериш бўйича ҳадли шартнома имзоланди.

Шу кун ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вань Цзябао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон билан ХХР олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вань Цзябао Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собиров билан музокара ўтказди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мехмон ташриф асносида парламентимиз фаолияти билан яқиндан танишгани, ХХР Ўзбекистон билан дўстлик ришталарини, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини қайд этди.

Вань Цзябао Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Мехмон Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан, айниқса, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён 5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.

## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги ҳамкорлик кўллаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда терроризм, айирмачилик ва экстремизм, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳофиза қилинди. Шунингдек, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Музокарада икки мамлакат ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, соҳада янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

Шу кунги мехмон пойтахтимизда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди,

(Давоми 2-бетда).

## ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида жорий йилнинг 14-21 октябр кунлари Хиндистоннинг Ҳайдаробод ва Мумбай шаҳарларида ўтказилган IV Умумжаҳон ҳарбий ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳарбий спортчиларни тақдирлаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси муҳофаза вазири Р.Мирзаев юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратаётганини, бунинг самараси ўлароқ, спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятлари салмоғи тобора

ўсиб бораётганини таъкидлади. Бунинг ҳарбий спортчиларимиз эришган юксак натижалар мисоллари ҳам кўриш мумкин.

Умумжаҳон ҳарбий ўйинлари — Халқаро ҳарбий спорт кенгаши (CISM) томонидан ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мусобақадир. Бу йил

Хиндистонда ўтказилган мазкур тадбирда дунёнинг 102 мамлакатидан тўрт мингдан зиёд ҳарбий спортчи ўн уч спорт тури бўйича голиблик учун куч синашди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари терма жамоаси аъзолари беллашувларда бешта олтин, иккита кумуш ва етти та бронза, жами ўн тўртта медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида кучли еттиликдан жой олди.

(Давоми 2-бетда).

Аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтириш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг устувор йўналишларидандир.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борда муҳим дастуриямал бўлаётир. Қорақалпоғистон Республикаси

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 5 ноябрь

## ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

“Экосан” халқаро ташкилоти ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Экология ва саломатлик кунлари”нинг учинчи босқичи доирасида давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб умумреспублика экологик ҳашари ўтказилди. Унда 8 миллиондан зиёд киши иштирок этди.

Ҳашарни ташкил қилиш республика штабидан маълум қилинишича, экологик ҳашарда 3,6 минг километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди, 1300 та объектининг санитар ҳолати яхшиланди ҳамда 9,5 мингта объектага ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашар доирасида пойтахтимиздаги Ботаника боғида “Олтин куз” экологик акцияси ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасидан вакиллар, эколог олимлар ҳамда “Экосан”нинг бир қатор фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда сўз олган “Экосан” халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметовнинг айтишича, экологик ҳашардан тушган маблағ “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастурига асосан Орлобўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудларга саломатлик поездлари ташкил қилиш учун йўналтирилади.

С. РАҲМОНОВ,  
“Халқ сўзи” муҳбири.

## АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Қўнғирот туманида мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар олиб бориляпти. Жумладан,

Фармон  
ва ижро  
оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, касал-

(Давоми 2-бетда).

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини шакллантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Ташиштирадлар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Да айрим оммавий ахборот воситалари муайян гуруҳларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари учун хизмат қилиши ҳам мумкин.

Оширадиган фаолиятининг хусусияти ҳисобланади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнларида юқорида кўрсатилган йўналишлар асосида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

ЭРКИН ВА ХОЛИС МИНБАР

Жорий йилнинг 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда ҳам мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари бу муҳим сиёсий жараённинг демократик асосларда ўтиши ва унда фуқаролар фаолиятини таъминлашнинг муҳим бўлиши сифатида майдонга чиқадилар.

Расмий маълумотларни бериш билан чекланиб қолмай, балки қўйидаги айрим йўналишлар асосида фаолият юритиб, бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишлари лозим.

Жумладан, сайловчиларнинг бу борадаги демократик ҳуқуқларини қай тартибда амалга оширишига йўғатилиши. Бунда оммавий ахборот воситалари ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг мазмун-моҳияти, унинг келгусида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққийотидаги аҳамияти, сайлов юзасидан миллий амалиётимизнинг хусусиятлари ва бу борада хорижий тажрибалар ҳақида кенг қўламли ахборот ва маълумотлар бериб борадилар.

Ҳаётимиздаги ҳар қандай охиқ ахборотнинг тезкорлик, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари талаб этилади.

Мўхтасар қилиб айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда сайлов субъектлари ўртасида эркин ахборот алмашинуви, сайлов жараённинг адолатли, демократик талаблар асосида ўтишини ҳамда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини таъминлаш учун барча асослар яратилган.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи каби иморатларни кўздан кечирди. Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазирлари бу ерда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқсак баҳо берди.

Меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида ҳам бўлиб, муқаддас Қуръоннинг ноёб кўлэмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тиклаш ва таъмирлаш борисида амалга оширилаётган кенг қўламли хайрли ишлар тахсинга лойиқлиги, — деди шайх Сайф Бин Зоид Ол Наҳаён.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

Фермернинг гишт корхонаси

Жондор туманининг Қароли қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги «Хасан Даврон» фермер хўжалигида гишт ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўрсатаётган бўлса, 185 аёл фермер сифатида қишлоқ хўжалиги ривожига ҳисса қўшмоқда.

Кўнғирот тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган йилги ишда шу хусусда сўз борди. Унда иштирок этганлар туман хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятига баҳо

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

бериб, хотин-қизлар ўртасида жинсизчилик, никоҳни бекор қилиш каби салбий ҳолатларга барҳам бериш, бунинг учун жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари хузуридаги маслаҳатчилар, хотин-қизлар қўмитаси бошларининг маъсулиятини янада ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Йилги ишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

А. ОРТИҚБОВ, ЎзА мухбири.

ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу муваффақиятга боксчиларимиз улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш лозим. Боксчиларимиз Баҳодир Мамажонов, Абдуғаффор Умаров, Равшан Худойназаров ва Элёрбек Ғулмолов олтин медалларга сазовор бўлди.

Юртимизнинг барча худудларида бўлгани сингари Куролли Кўчлар тизимида ҳам спорт билан мунтазам шугулланиш учун барча шарт шарт қилинган. — дейди дзюдочини, шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Уткир Қурбонов.

Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ, ЎзА мухбири.

«АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНING СЪЕЗДИ

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашнинг биринчи котиби Дилором Тошмухамедованинг маърузаси тингланди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, унинг 60 минг кишини бирлаштирган сафлари мустақамлашиб бораётгани таъкидланди.

2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

(ЎзА)

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жорий йилда мустақил давлатимиз тараққийотидаги муҳим босқич — мамлакатимизни фаол ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, жамиятимиздаги демократик янгилашни жаддалаштириш даврига тўғри келмоқда.

Бу босқичда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, қабул қилинган Конституциявий қонун доирасида мамлакатимизда модернизация қилишидаги иштирокини янада кенгайтириш муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ демократик партияси партиянинг барча аъзолари ва бошланғич ташкилотлари учун жиҳдий ижтимоий-сиёсий етуклик синови бўладиган мазкур сайлов кампаниясида фаол қатнашишни зарур, деб билади.

(ЎзА)

Съездда Ўзбекистон халқ демократик партияси сиёсий эътиборини ўз ичига фаоллаштириши, бугунги кунда 350 миңга яқин кишини бирлаштирган партия шайхларини кенгайтиришига қаратаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган съездида шу ҳақда сўз юритилди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездда, шунингдек, сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Қўшқўприк қишлоғида Зайлобиддин исми курувчи яшайди. Пенсияда бўлса-да, уни уйдан топиш амримаҳол. Янги иморат қураётган халқчилардан тортиб, коллежалар, мактаблар, ҚВПлар, кўйингики, ақли шоширадиган маҳобатли иншоотларни тиклаётганлар ҳам уни қўярда-қўймай ўзлари билан бирга олиб кетадилар.

БИНОЛАР КЎРКАМ, ГУЗАРЛАР ОБОД

Зайлобиддин ака бундай илтифот ва ишончдан хурсанд бўлишди. Одатига хос ва зиминчи билан «Биз ишлаган даврда йилга битта, нари босса, иккита бино қуриларди. Уларнинг лойиҳалари иқлимимиз шариғатида мос тушади-йўқми, бу билан ҳеч қим қизқмасди.

Зайлобиддин ака ва унинг ёш ҳамкасблари юрагига чўғ ташлаган, ғайрат-шижоат билан ишлашга руҳланган қурилишлар эса шунчалик кўпки, санаб санаюғи етиш мумкин. Узоққа бормайлик, қўшни қишлоқда бир йилнинг ўзида учта йирик иншоот буй кўрсатди.

Бунёдкорлик

Изобокан туманининг яна бир қишлоғи — Урганчида «Хамкортрансбарака» масъулияти чекланган жамияти курувчилари 7-умумтаълим мактаби учун 850 ўринли кўркам бинони тиклаб бердилар. 15 та мактаб биноси эса мукамал таъмирдан чиқарилди.

Юртимиз чиройига-чиroy қўшаётган, кўзларни қувонтириб, кўпларнинг ҳавасини келтирадиган, кўркамликда қиёси йўқ ана шу иншоотлар, кенг қўлагдаги бунёдкорлик ишлари аслида мустақил Ватанимизнинг иқтисодий қудрати тобора ортиб, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Бу шаҳар кейинги йилларда ёшариб, таниб бўлмас даражада ободонлашиб кетди. Айнисига, янги шаҳар билан «Қўшарик» даҳасида бунёд этилган маданий-маиший иншоотлар, ўқув ва шифо даргоҳлари ўзининг таққи кўриниши, салобати, қўлайлиги жиҳатидан барчани

ўзига мафтун этади. Шу кунларда эса шаҳар маркази, антиқроғи, Маъмурий майдон билан «Хотира» майдони оралиғида бош режа асосида кенг миқёсда қайта қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Яъни бу икки майдон уйғунлаштирилиб, замонавий меъморчилик талаблари даражасига келтирилётир.

Вилоят марказида бошланган бунёдкорлик ишлари бўлган барча туманларда, хусусан, Пахтаобода ҳам кўтаринкилик, ушшоқлик билан давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, туман қишлоқларининг инфратузилмаси шаклланимоқда. Чунончи, жойларда 21 та хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди. Аҳолининг табиий газ ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўшимча 7,7 километрик газ, 9,4 километрик ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Манадан қишлоғи аҳолиси эса қўшчилар билан бир ариқдан сув ичади. Уша қишлоқда ўтган йили касбухонар коллежсининг мухташам биноси ёшлар ихтиёрига топширилди. Унинг ёнида тиббийнинг энг илғор ускуналари билан жиҳозланган сихатгоҳ иш бошлади.

Мана Олтинкўл туманидаги Ойшахоний маҳалласида яшайман, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг фаолларидан бири Мадина Абдурахмонова. — Маҳалламиз худудидан 2 та умумтаълим ва 1 та ихтисослашган мактаб бор. Мен 35-мактабнинг эски биносида ўқиганман. Бу бино эски бўлгани учун, аҳвол ниҳоятда оғир эди. На фан хоналари ва на бемалол дарс ўқиш учун шарт шарт бор эди. Хараба мактаб ўрнида икки қаватли маҳобатли қошона барпо этилди. У спорт зали, ошона, лаборатория хоналарига эга. Қанийди, ўқувчилик йилларнинг қайтиб келса-ю, ёруғ, кенг ва обод шундай мактабда билим олсанг!

Мадина фахр билан тилга олган мактаблардан жорий йилнинг ўзида виллоят бўйича 2 таси янги қурилди, 26 таси реконструкция қилинди, 90 таси мукамал ва 13 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ ШИФОБАХШ

Учқўприк туманидаги «Учқўприк-Росс» очик акциядорлик жамияти иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди. Аммо шу қисқа давр ичида мазкур Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси юқори сифатли маҳсулотлари билан юртимиздагина эмас, балки бир қатор хориж давлатларида ҳам ўз маҳсулотини топа олди.

Учқўприк туманидаги «Учқўприк-Росс» очик акциядорлик жамияти иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди. Аммо шу қисқа давр ичида мазкур Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси юқори сифатли маҳсулотлари билан юртимиздагина эмас, балки бир қатор хориж давлатларида ҳам ўз маҳсулотини топа олди.

65 нафар ёш меҳнат қилаётган ушбу жамоа бугунгача миң тонна мева ва сабзавотни қайта ишлади. Тайёр маҳсулотлар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан экспорт қилинаётир.

СУРАТДА: корхона оператори Йўлдошай Раҳмонов.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Музокаралар ўтказиш мақсадида

Бундан олдинроқ 16 нафар европалик Чадда ёш болаларни ўғирлашда гумон қилиниб, қўлга олинганди. Улардан олти нафари Франциянинг «Zoe's Ark» инсонпарварлик ташкилоти ходимларидир.

Улар махсус самолётда 103 нафар болани мамлакатдан олиб чиқиб кетишга уринишган. «Zoe's Ark» вакили Суданда юз берган қуролли тўқнашуларда ота-онасиз қолган болаларни Франциядаги оилалар бағрига топшириш режалаштирилганини билдирди.

Қамоққа олинганларни озод этиш юзасидан музокаралар ўтказиш мақсадида Франция Президенти Никола Саркози Чадга келди. Унинг келиши билан уч нафар француз журналисти ва тўрт нафар испаниялик авиация хизматчиси озод этилди.

Гаровдагилар озод этилди

Курдистон Ишчилар партияси жангарилари саккиз нафар гаровга олинган турк харбий хизматчисини озодликка чиқарди. Бу ҳақда «CNN-Turk» телеканал хабар тарқатди. Улар айни пайтда Туркияга жўнатишган.



Фар турк харбийси ҳалок бўлганди, 16 нафари эса жароҳатланганди. Бундан ташқари, саккиз нафар туркиялик аскар гаровга олинганди.

Ёнғин оқибати



Бу ҳақда Сантьяго-де-Эстеро шаҳри ҳукумати вакили маълум қилди. Дастлабки хабарларга қараганда, бир маҳбус ёнғин келиб чиқишига сабабчи бўлган. Фаолят рўй берган пайтда қамоқхона эшиги олдида маҳбусларнинг қариндош-уруғлари

Аргентина шимоли-шарқидagi қамоқхоналардан бирида рўй берган ёнғин туфайли 29 киши ҳалок бўлди.

хибсдагилар учун шароитни яхшилашни талаб қилиб намоийш ўтказишга шай бўлган. Шундан келиб чиқиб, қамоқхона маъмурияти ёнғин ушатириб қолганини режалаштирган бўлишлари мумкин, деб гумон қилинмоқда.

Муросага келтириш учун

Мьянмада яна вазият чигаллашмоқда. БМТ махсус вакили Иброҳим Гамбари томонлари муросага келтириш мақсадида Мьянмага ташриф буюрди. Унинг беш кунлик ташрифи давомида мамлакат ҳукумати ва муҳолифат вакиллари билан учрашиш режалаштирилган эди.

Қамоқхона ёпиладими?

АҚШ Президенти Гуантанамо қамоқхонасини ёпишни режалаштирмоқда. Эслатиб ўтамиз, бу ерда террорчиликда гумон қилинган шахслар бир неча йилдан буён ҳеч бир айблов эълон қилинмасдан ушлаб турилибди. Расмий Вашингтоннинг бу хатти-ҳаракати эса қўллаб ҳалққаро инсон ҳуқуқларини ҳам қўллагувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ танқид қилиб келинмоқда.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинди

Покистон Президенти Первез Мушарраф терактлар қўпайиши ва радикал кайфиятнинг фаоллашуви муносабати билан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Шундан сўнг муҳолифат етакчиларини оммавий қамоққа олиш бошланди, дея хабар беради «Newsru.com» сайти. Унда айтилишича, яқшанба кўни маҳаллий полиция Лахор, Пешовар, Кветти ва Ка-

Корхона Тошкент шаҳридаги омбордан сотади ЭМАЛ-СИМ ПЭТВ-2. Электродвигателларнинг ремонт қилиш учун қалинлиги 0,25дан 1,8мм гача. Махсус сертификатланган. Тел.: 267-37-62, 267-47-65



Ислохот


Бу корхонанинг Самарқанддагина эмас, балки мамлакатимизда, қолаверса, Марказий Осиёда ҳам ўз ўрни бор. Сабаби, ана шу ҳудудда унинг ягоналиги. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжнинг юқорилиги. Афсуски, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидаги иқтисодий бўҳрон мазкур корхонани ҳам четлаб ўтмади. Ишлаб чиқариш деярли бутунлай тўхтади.

«Сино»:

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

Ана шундай оғир вазиятда мамлакатимиз Президенти корхонанинг қайта оёққа туришига алоҳида эътибор қаратди. 2003 йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасининг «Сино» очик акциядорлик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори қабул қилинди. Унда мазкур акциядорлик жамиятида совутиш ва музлатиш ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, бутловчи буюмлар ва узелларни маҳаллийлаштириш негизда янги турлари ва моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш вазифалари белгилаб берилди. Корхона солиқ ва боғхона тўловлари бўйича катта имтиёзларга эга бўлди.

Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 1 миллиард 132 миллион сўмга кўп демакдир. Поливинилхлориддан фойдаланишнинг йўлга қўйилгани корхонанинг яна бир ютуғи бўлди. Бу маҳаллий хом ашёдан фойдаланишнинг кўпайишига хизмат қилаётган. Поливинилхлорид эндиликда металл ўрнида ишлатилмоқда. Совутигиларнинг ойнаси ҳам маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган.



Айтиш керакки, бир пайтлар корхонада ишлаб чиқариладиган совутигилар учун керакли хом ашёлар, бутловчи қисмлар тўлиқ четдан келтирилибди. Ишлаб чиқаришда бор-йўғи Самарқанднинг сувийо ҳавосидан фойдаланиларди, ҳолоқ. Бу маҳсулотлар таннархининг ошиб кетишига сабаб бўларди. Бугун эса совутиш ва музлатиш техникаси ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар ва деталларни маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга етказилди. Маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш, янги иш ўринлари яратишда мамлакатимиздаги бир қатор ийрик корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ўз самарасини бераётган. Жумладан, «Совластитал», «ШРЗ-12», «Дойне Кабель», «Кинал», «Узкабель», «Парвина курувчи», «СамАвто», «Навоийазот», «Кварц», «Фотон», «Зенит» кабилар «Сино»нинг энг яқин шерикларидир.

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, ўтган йилдан бошлаб корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан турли рўсумдаги совутигилар, музлатиш ва кондиционерларни сифатли ва бежирим қадқоқлаш учун ҳар хил шаклдаги пенапластлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Бунинг учун махсус цех ташкил этилди. Бу эса корхонанинг импорт харажатларининг қисқаришига ёрдам берди. Бундан ташқари, бошқа корхоналарга ҳам буюртмалар асосида пенапластлар тайёрлаб берилмоқда.

Корхона аҳлининг мактабларни жиҳозлаш дастурида фалол қатнашаётгани ҳам қувончли. Ана шу мақсадда музлатиш камераси, тарқатиш линияси, металл столлар, жавонлар, электр плиталар ишлаб чиқарилаётган. Айтиш керакки, бир пайтлар корхонада ишлаб чиқариладиган совутигилар учун керакли хом ашёлар, бутловчи қисмлар тўлиқ четдан келтирилибди. Ишлаб чиқаришда бор-йўғи Самарқанднинг сувийо ҳавосидан фойдаланиларди, ҳолоқ. Бу маҳсулотлар таннархининг ошиб кетишига сабаб бўларди. Бугун эса совутиш ва музлатиш техникаси ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар ва деталларни маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга етказилди. Маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш, янги иш ўринлари яратишда мамлакатимиздаги бир қатор ийрик корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ўз самарасини бераётган. Жумладан, «Совластитал», «ШРЗ-12», «Дойне Кабель», «Кинал», «Узкабель», «Парвина курувчи», «СамАвто», «Навоийазот», «Кварц», «Фотон», «Зенит» кабилар «Сино»нинг энг яқин шерикларидир.

Абдурашул САТТОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гурланлик фермер Бахтиёр Юсупов 1993 йили 5 гектар ер ва 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб, экин майдони 178 гектарга, қорамоллар сони 120 бошга етди.

«ГУЖУМҚАЛЪА»НИНГ ПАРВОЗИ



Зироатчиликда экинларнинг иқтисодий самарадорлиги назарда тутилиб, навлар танлаиб, уруғлар сараланиб экилаётган. Далаларга ўтган йили ўзанинг «Мехнат», галланнинг «Крошк» навлари жойлаштирилган. Жамоа юқори сифатли маҳсулот тайёрлабгина қолмай, пахтачилик бўйича 21 тонна, галлачилик бўйича 36,8 тонна уруғлик хом ашёни етиштиришга ҳам эришди. Бу йилги марралар янада юксак.

Бир йил олдинги кўрсаткичга нисбатан 255 фоиз ўсди. Янги маҳсулот — савдо-технологик асбоб-ускуналарини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Жўжалик фермер Бахтиёр Юсупов 1993 йили 5 гектар ер ва 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб, экин майдони 178 гектарга, қорамоллар сони 120 бошга етди.

Жўжалик фермер Бахтиёр Юсупов 1993 йили 5 гектар ер ва 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб, экин майдони 178 гектарга, қорамоллар сони 120 бошга етди.

Газетада босилмади, аммо...

Тахририятимизга андижонлик Қ. Баҳромов мурожаат қилиб, шаҳардаги 14-савдо дўконини хусусийлаштиришда қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги ҳақида шикоят хати йўллаганди. Мазкур хат юзасидан Андижон вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б. ДЕҲҚОНОВ имзоси билан тахририятга расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилди:

ЗАРАР УНДИРИЛДИ

«Текшириш натижаларида аризада кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Маълум бўлишича, мазкур савдо дўконини фўқаро Қ. Баҳромовга хусусийлаштириш бериш ҳақидаги Давлат мулкни қўриқотиш вилоят бошқармасининг Давлат ордери Андижон вилояти ҳўжалик суди қарори билан бекор қилинган. Вилоят прокуратураси томонидан Қ. Баҳромовнинг шу дўкон мўҳнат жамоасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга розилик бериш ҳақидаги умумий йиғилиш баённомаси қалбакилаштирилганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан текшириш ўтказилиб, натижасига кўра, жиноят иши қўзғатилган. Тергов ҳаракатларида аниқланган жиноий ишлар, бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартарф этиш, ўз хизмат вазифаларини бажарган маъсўл ходимларга тегишли чора кўриш ҳақида вилоят прокуратураси томонидан ҳудудий бошқарма бошлиғи номига тақдирнома киритилган. Унга кўра, Давлат мулкни қўриқотиш вилоят бошқармасининг бир қатор мансабдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилган. Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов натижалари вилоят ҳўжалик судининг мўқаддам, Давлат ордени бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб чиқиш учун асос бўлган. Қайта кўриб чиқиш натижаларига кўра мазкур қарор бекор қилиниб, Қ. Баҳромовнинг 14-савдо дўконига бўлган мулкий ҳуқуқи эътироф этилган. Унга етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилган».

Жараён

Жўжалик фермер Бахтиёр Юсупов 1993 йили 5 гектар ер ва 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб, экин майдони 178 гектарга, қорамоллар сони 120 бошга етди.

Мулкдор

«А.Абдулбориев» кўп тармоқли фирмаси раҳбари Абдулбори Умаров Жомашўй шаҳарчасидаги ташландиқ ҳолда ётган гишт ишлаб чиқариш цехини ишга тушириш мақсадида бандан аввал 20 миллион сўм, кейинроқ эса 105 миллион сўм кредит олди. Жиҳозлаш ишларига киришиб, хитойна куёш ҳарорати билан табиий ҳолда қуришти усул-услани жорий этди. Шунинг эъвазига харажат 35 фоизга қисқарди. Қўнига ўртача 40 мингтагача сифатли гишт тайёрлаш йўлга қўйилди. Фирма дастлаб кичик-кичик объектларни қуриш ва таъмирлаш билан шуғулланган бўлса, тендерда голиб чиққач, 41-, 12 ва 43-мактабларни капитал таъмирлади. Шунингдек, 3 миллион донга гишт қўни тўмаларга етказиб берилди. Жамоада 14 рўсумдаги транспорт воситаси мавжуд. Ишчи-хизматчилар учун беғул тушлик ташкил этилган. 10 бош ситирининг сўтқатиғи, бугдойзор ҳосили, боғдаги мева-чевалару сабзавотлардан кўпчилик баҳраманд. Қосимжон АКБАРОВ.

ЭНГ МЕХРЛИ КУТУБХОНАЧИ

Сурхондарёда «Энг меҳрли кутубхоначи» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Иجتимий химоя йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда Термиз шаҳрида жойлашган кўзи оқизлар кутубхонаси ходимаси Наргиза Мамадалиева голиб деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунт стерлинги, Дания кронаси, БАА дирҳами, АҚШ доллари, Миср фунти, Исландия кронаси, Канада доллари, Хитой юани, Малайзия рингити, Польша злотийси, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жаңубий Корея вони, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномасига 2008 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.


Ахборотнома саҳифаларида: Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари; ҳўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари; чет эл арбитраж ва республика ҳўжалик судлари тажрибаси; қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етуқ ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари. Обуна «Матбуот тарқатуви» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, тахрират орқали арзонлаштирилган нарҳда тўридан-тўри обуна бўлишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.

Этибор берганмисиз, чор-атрофнинг саранжом-сариталиги, иш ёхуд ўқиб жойингиздаги орасталик кайфиятингизга ўзгача таъсир этади, руҳингиз кўтарилади. Йил четларига экинган, йил ўн икки ой атрофга кўрк бағишлаб турувчи гуллар, манзарали дарахт ва буталар эса озодликка гўзаллик аталмиш бетақдор манзарани уйғунлаштириб, янада бахри дилингизни очади.



# КУЗ ҚҲЙНИДА БАҲОР ЧЕЧАГИ

Айниқса, пойтахтимиз кўча ва хиёбонларига ўзгача хусн бахш этиб тур- яшилликка бурканишида ишчи-хизматчиларимизнинг муносиб ҳиссаси



Ишдан чарчаб келганинда хона кўрмага кўрк бағишлаб, очилиб турган гулни кўрасану чарқоқни бир зум бўлса-да унутасан киши. Вужудингизни ёқимли ҳислар чулғаб олади. Қолаверса, табиатнинг бу беозор тўхфаси киши саломатлиги учун ҳам қониқойда.

Хризантема, агава, астра, шойиғул, шамшод-гул... Уларнинг тури ҳар хил, парваришlash технологияси ҳам. Айниқса, Надежда Михалёва бош бўлган бригада гулчилари гул парвариши алоҳида санъат ва иқтидор талаб қиладиган нозик юмуш эканини яхши тушунишади.

— Биласизми, гулларга меҳр бермасангиз уларни ўстиришингиз амримаҳол, — дейди жамоа аъзоси Феруза Лутфуллаева. — Агава гулини олайлик, ўттиз йилда бир марта гуллайди. Сўнг қурий бошлайди. Айрим гуллар эса йил давомида бир марта, бир неча соатгина гуллайди. Бунинг учун бир неча ойлар меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Айни кунларда қарийб 15 гектарни ташкил этган корхона иссиқхонасида иш қизғин. Гулхона ишчилари гул қаламчаларини экиш, уларни тувақчалар, полиэтилен халтачаларга ўтказиш билан банд. Бу жараёни кузатиб туриб, дилимизда бир тилак уйғонди. У ҳам бўлса, эзгуликка йўрилган саъй-ҳаракату дилларга мудом хушқайфият бағишлашга чоғланган гулчиларимиз меҳнатдан чарчамасин. Халқимизнинг шодиёна кунларида кўчқ-кўчқ гулларни тортиқ этаверишсин!

Мажҳуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: гулчи Сайёра Имомназарова. Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

ган нафис гулу чечаклар, минабаргли арчалар, яшил майсалар ҳар қандай кишини хайратга солиши шубҳасиз. Бу гўзалликнинг яратувчилари гулчилик ва кўчатчилик билан шуғулланувчи Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасига қарашли «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» ОАЖ жамоасидир. Корхона тасарруфида 335,67 гектар ер майдони бўлиб, у ерда игна баргли, манзарали, бутасимон дарахтлар, гуллар ва гул кўчатлари етиштирилади. — Пойтахтимиз, вилоят марказлари гулзор ва

бор, — дейди корхона товаршуноси Сония Кенжаева. — Ҳатто кишининг қорли-қировли кунларида ҳам ўз чиройи билан эътиборингизни тортадиган бу гуллар бизнинг хизматимиз самарасидир. Сония опанинг фахрланишича бор. Корхонада меҳнат қилаётган 400 нафарга яқин ишчи-хизматчининг мақсади бир — улар ўзлари яратаётган гулзорлар сеҳридан завқ туйишади, барчага яшилликни, қувончли кунларни соғиниб яшаши. — Уйда ҳам гул ўстираман, — дейди гулчи Сайёра Имомназарова. —

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ФОЛИБИ

Сафар Ҳужаннёзов номидаги Қорақалпоғистон Ёш томошбинлар театри жамоаси Мисрда бўлиб ўтган 19-Халқаро театр фестивалида иштирок этди. Элар билан эларни, диллар билан дилларни бирлаштирадиган санъат ришталари бу гал Аму билан Нил соҳилларини туташтирди.

Санъат

Қоҳирадаги жаҳонга маълум «Опера Хаус» саҳнасида намойиш этилган қорақалпоқ драматурги Кенгесбой Раҳмоновнинг «Тўққиз ношуд билан бир қув» пьесаси маҳаллий томошбинларнинг эътирофини қозонди. Бинобарин, фестиваль якунида ушбу асар ва унинг ижроси сайёрамизнинг турли бурчларидан келган 50 та театр орасида совринни ўринга лойиқ, деб топилди.

Янгибой КҲҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ДОРИ-ДАРМОН СИФАТИ НАЗОРАТДА

Урганч шаҳрида дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда доришунослик фаолияти билан шуғулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқий саводхонлигини ошириш, вилоятдаги мавжуд дориҳоналарда со- тилаётган дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни давлат рўйхатидан ўтказиш сингари ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, бу борадаги иш таҳрибалари таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Саломатлик

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Газевоёс» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳуқуқдааги расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:


- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эға. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри хайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

Обуна 902 нисбаси билан «Матбуот тарқатувчи» АЖ ва «Ўзбекистон почтаси»нинг барча бўлимларида ҳамда таҳрират билан турридан-турри шартнома тузиш орқали амалга оширилади



Республика суд-ҳўқуқ идораларининг «BUQUO va BURCH» ижтимоий-ҳўқуқий, ойлик, рангли, оммабоп журналіға обуна бўлинг!

Таҳрират манзили: Тошкент ш., Сайёра кўчаси, 5-ў. Тел: 133-96-17, Факс: 133-68-26.

Газеталар, китоблар, журналлар



# BTL ArziMedia

Обуна — 2008

Тел.: 150-30-50, 133-16-16

Спорт • Sport • Спорт

## АББОС АТОЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Жорий йилнинг 23 октябрь — 3 ноябрь кунлари Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида келаси йил Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.


Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу сафарги чемпионат иштирокчилар сони жиҳатидан аввалгиларидан анча ўзиб кетди. Чикаго рингларидан дунёнинг 120 га яқин мамлакатидан келган 700 нафардан ортқ боксчи йўланмалар ва чемпионлик учун кураш олиб борди. Эслатиб ўтамиз, дунёда пешқадамлар сафида турувчи Куба мамлақати терма жамоаси чемпионатда иштирок этмади.

Қуръа натижаларига кўра, асосий даврдан баҳсларга қўшилган ҳамюртимиз Аббос Атоев (81 кг.) ўзининг ажойиб ғалабалари билан барчани ҳушуд этди. Бухоро бокс мактаби тарбияланувчиси дастлаб руминиялик Константин Беженаруга қарши рингга қўтарилиб, учинчи раундда рақибини нокаут ҳолатига туширган эди. Кейинги учрашувда Аббоснинг кетма-кет берган кучли зарбаларига Франция давлати боксчиси Мамау Диамбанг бир раунд ҳам дош беролмади ва у ҳам нокаут ҳолатига тушди. Бу ғалаба ўзбекистонлик боксчиға келаси йили Пекинда бўладиган ёзи Олимпиада йўланмасини кўлга киритишиға кифоя қилди. Чорак финалда хорватиялик Марижо Сиволижа 17:6 ҳисобида мағлуб

этилди. Боксчимиз ярим финалда қозғистонлик Еркебай Шиналиевдан 17:8 ҳисобида устун келди. Финалда эса Россия давлати вакили Артур Бетербиев устидан 20:17 ҳисобида муваффақиятга эришди: ўзбекистонлик спортчи жаҳон чемпиони.

Яқунда боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида еттинчи ўрнини эғаллашти.

Чемпионатта Шароф Худойбердиев ва Александр Размахов бошчилиғидаги Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ таркиб билан жўнаб кетганди. Қолаверса, таркибга жабб этилган боксчилар орасида жаҳон ва қўтба чемпионатлари бор эди. Мутахассислар Беқзод Хидиров, Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, Дилшод Маҳмудов, Тўлашбой Дониёров, Орзубек Шоимов, Рустам Саидов, Жасур Матнонов ва бошқа таҳрибали боксчиларимиз ҳам юқори натижаларга эришишини таъкидлашганди. Аммо улар кўтилган натижаға эришолмадилар. Лекин ҳали боксчиларимиз олдида Олимпиада йўланмалари берувчи икита йирик турнир турибди. Умид қиламизки, улар Таиланд ва Қозғистонда бўладиган халқаро турнирларда бу вазифани удралайдилар.



Ўтган дам олиш кунлари пойтахтимизда спортнинг «Универсал жанг» тури бўйича VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда Осиё «Универсал жанг» федерацияси ҳамкорлиғида уюштирилган нуфузли мусобақада дунёнинг 30 га яқин мамлақати спортчилари медаллар учун курашдилар.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Мазкур спорт тури ўзбекистонликлар учун нисбатан янги бўлса-да, йилгиларимиз ўз устозларини уялтириб қўйишмади. Жумладан, Алишер Абдуллаев (75 кг.) ва Бахтиёр Аҳмедов (90 кг.) лар ўз вази тоифаларида жаҳон чемпиони деган шарафли номига сазовор бўдилар. Мурод Хонтуроев (85 кг.) кумуш, Шерали Абдураимов (75 кг.) Музаффар Юнусов (70 кг.) ва Нуриддин Долимов (60 кг.) бронза медалларини кўлга киритишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибутор AVTODOM PLUS

GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307 Автоэвакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

«ОМЕС» ШИНА - ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СЌТИЛАДИ  
Тел.: 300-29-59

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилли ташийдиган, самосваллар.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шаҳриабат к., 10 - А уйи  
Тел./факс: (998 71) 132 16 38, 132 10 35, 132 03 62. Телор мулоқот линияси телефонлари: 126 12 94, 126 25 42. E-mail: info@auto.uz, web site: www.auto.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-й.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.  
Навбатчи — Ю. Бурунов.  
Мухассхх — Ш. Машраббеов.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эғлолар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05  
Тошпирилди — 23.00 1 2 3 4 5 6